O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Миллий тиклониш

MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 28 МАЙ Чоршанба

22 (459)-сон

БАХТЛИ БОЛАЛИКНИНГ ЗАВҚИ ЎЗГАЧА

Маҳалламизда кичкина майдонча бор. Эрта-ю кеч ундан болажонларнинг ҳайқириғи-ю шодон кулгулари аримайди. Кимдир арғимчоқда учган, яна кимдир укасини айлантирган. Хуллас, болаликнинг бахтиёр онлари бу ерда ўзига хос тарзда ўтади. Кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган қўшниларимиз ҳам бунга кўникиб қолишган. Шовқин-сурон, ўйин-кулгуга асло парво қилишмайди. Кичкинтойларнинг завқу шавқи уларга худди олам-олам қувонч улашгандек бўлади.



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Бу ҳолат, бу бахтли дақиқаларни ҳар куни, ҳар соатда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида, шаҳару қишлоғида рўй бериб турганлигини кўнглимиздан ўтказсак, болажонлар билан ҳаётнинг файзи, гашти нақадар бошқача бўлишини дилдан ҳис этамиз. Уларнинг бошида чароғон нур сочиб турган қуёш, кўкда сузиб юрган оқ парқу булутлар, мовий осмон худди жажжи ўғил-қизларнинг ширин кулгуси-ю бахту иқболи учун яралгандай туюлади. Аслида ҳам шундай эмасми? Болалар кулгусидан олам нурафшон, кўнгиллар обод, диллар чароғон. Фарзанд худди ойланинг кўркига, таянчига ўхшайди. Бола бор уйнинг файзига файз, чиройига чирой қўшилади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз "Фарзанд — ҳаёт гултожи" деб бежиз айтишмаган. Ахир, улар ҳаёт шамчироқлари, эртанги кунимизнинг муносиб эгалари, авлодларимиз давомчилари. Улар билан қувонмай, фахрланмай бўладими?!

Ўзбек — болажон халқ. Топган-тутганини кўзининг оқу қорасига сарфлайди. Бир умр унинг ҳаққига дуолар айлаб, камолини тилайди. Шунинг учун ҳам узоқ йиллик бой тарихи, дунё тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк ўғлонлари бор. Бугунги болажонларнинг ҳам эртага улар каби Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишига шубҳа йўқ.

Қаерда бўлманг, ширинданшакар жажжи ўғил-қизларнинг гулгун чеҳрасини кўриб, дилингиз яйрайди. Ҳаёт ташвишларини бир зум унутасиз. Уларнинг бахтиёр дамларига ҳавас қиласиз. Болаликка қайтиб, кичкинтойлар билан бирга бўлгингиз келиб қолади. Болалик шундай беғубор давр. Унинг оҳанрабоси бор. Одамни доим ўзига тортиб туради.

Бугунги болалар зукко, қизиқувчан. Уларнинг қандай қилиб янги технологияларни тез илғаб олаётганига ҳайрон қоласиз. Саволга тутиб қолса борми, ақлингиз шошади. Ахир, улар бугуннинг ўғил-қизлари. Гулгун ҳаётимизнинг гулғунчалари.

Ўтган йилнинг октябрь ойида бир хушхабарни эшитиб, роса қувондим. Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейининг 4-синф ўқувчиси Тоҳиржон Асқаров ўн бешдан ортиқ мамлакатнинг ёш пианиночилари ўртасида Италияда бўлиб ўтган ўттизинчи халқаро "Le Muse" кўрик-танловида ғолиб чиқиб, юртимизни шарафларга буркади. Бундай истеъдод эгаларини бошқа соҳаларда ҳам учратиш мумкинлиги кимни қувонтирмайди дейсиз. Зеро, бахтли болаликнинг завқи ҳам шунда.

Рустам ДОСТОН.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Фракция йиғилишида бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети ижроси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил I чорагидаги ижроси тўғрисида молия вазирлиги бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Баҳром Бўронов.ахборот берди.

Таъкидландики, ўтган йил якунлари бўйича республиканинг ялпи ички маҳсулоти 9,5 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш 20,6 фоизга, пудрат қурилиши ишлари ҳажми 15,7 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси 6,8 фоизни ташкил этди ва прогноз кўрсаткичидан ошмади. Ҳар доимгидек асосий маблағлар ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида давлат бюджети харажатларида асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилди. Масалан, иш ҳақи, стипендия ва аҳолига бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришга, солиқ юкини камайтириш асосида тадбиркорлар фаолиятига кенг йўл очиб, кўпроқ янги иш ўринлари очишга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

2008 йилнинг I чорагида Давлат бюджетига солиқ идоралари томонидан 1292,6 миллиард сўм даромад ундирилди ва прогноз кўрсаткич 100,4 фоизга бажарилди. Шунингдек, бошқа манбалар томонидан ҳам бюджетга тушадиган тушумлар кўрсаткичлари тўлиқ ижро этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан депутатлардан Шарифа Салимова, Абдуғафур Маматов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, фракция йиғилишида партия ҳаётига оид бир қатор масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳ.КАРИМОВ.

● 2008 йил — Ёшлар йили

Миллий ғурур, миллий онг-тафаккур, ўз-ўзини англаш, миллий ифтихор... Бу сўзларни қанча таъкидламайлик, уларнинг чин моҳиятини англаб етиш катта маънавий кучни талаб этади. Зеро, бу тушунчалар азалий қадриятлар, аждодларимиз яратган нодир моддий ва маънавий мерос ҳамда ижтимоий-сиёсий талқин сифатида ўз қийматини намоён этади. Бугун биз ниҳолдек парваришлаб, умид-ла тарбиялаётган ёшлар учун эса «миллий ғурур»нинг аҳамияти нечоғли катта экани барчамизга аён.

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН МИЛЛАТ ЮКСАЛАДИ

Аввало, бу тушунча миллий тил, миллатга хос хатти-ҳаракат, миллий маданият, мусиқа, кийиниш одоби каби фазилатлар билан белгиланади. Яна бир жиҳати, умумжамият нуқтаи назаридан герб, мадҳия, байроқ, валюта, даромад кабилар давлатга хос миллий белгилар билан боғлиқ. Ғурур асли инсоннинг ўз қадр-қимматини билиши, ҳурматни ҳис қилиши, иззат-нафс, фахр-ифтихорни англатади. Француз олимларидан бири «Ғурур барчага хос хусусият, аммо фарқи шундаки, уни қачон ва қаерда ишлатишни билиш керак» деса, инглиз тадқиқотчиси Ж. Коллина «Ғурур кўп яхшиликларнинг бошидир», дейди. Бу каби фикрлар, аввало, ёшларнинг дунёқарашига, маънавий савиясига таъсир этиши, сингиши лозим. Ўзлигини англаётган ҳар бир халқ ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий муаммоларни ҳал қилар экан, миллатлар ва халқлар ўртасидаги барқарорликни таъминлашда бошқа халқларнинг миллий хусусиятларини, манфаатларини инобатга олиб иш тутиши лозим бўлади. Ўз мамлакати, халқи ютуқларидан ғурурланиш ва ватанпарварлик дунёдаги кўпчилик давлатларни миллий тараққиётнинг ҳозирги даражасига чиқиб олишида ёрдам берган.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси ва кўрсатмалари асосида ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг онгу шуурига миллий менталитетимизга хос хислатларни сингдириш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва зукко бўлишига эришиш давлат сиёсатининг бош мезонларидан бирига айланиб бормоқда. Бу жараён кундан-кунга чирой очаётган ўқув даргоҳлари, таълим тизими, олий ўқув юртларида яратилаётган шарт-шароитларда янада яққол намоён бўлади. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб номланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Миллий онг-тафаккур ҳам маънавий-мафкуравий жиҳатдан қараганда Ватан ривожи ва тинчлиги йўлида собит туриш, миллат яхлитлигини таъминлаш ва бирлигини асраб-авайлашда кўринади. Ҳар бир инсоннинг, айниқса ёш авлоднинг онгини ана шу туйғулар таъсирида шакллантириш шу жамиятнинг барқарорлиги, катта-ю кичик, ёшу қари — барча учун бирдек аҳамият касб этишини англаб етишимиз лозим. Шунда ўз Ватанига, халқига, унинг маънавий қадриятлари, анъаналарига ҳурмат билан қарайдиган, ани том маънода идрок эта олувчи комил инсонни тарбиялаш мумкин бўлади. Чунки жамиятнинг қанчалик тараққий этиши, мамлакатнинг дунё ҳамжамиятида ўзига хос муносиб ўрин тутиши, аввало, ушбу халқнинг маънавий савияси ва ғурури қанчалик юқорилигига боғлиқ.

Кейинги пайтларда, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактик чоратадбирлар амалга оширилаётгани бежиз эмас.

Агар ҳар бир инсон ўз юртининг тарихидан, маънавий қадриятларидан ғурурланмаса, Ватанини ёмон кўзлардан асрай олмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмайди. Шу фазилатлар туфайли халқ ўзлигини англайди. Миллий ўзликни англаш эса, ўз навбатида, халқларнинг босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлига, қадриятларига, урф-одатларига бугуннинг руҳи билан қараб, янгича мезонлар асосида ривожланишини англатади.

Университетимизда таҳсил олаётган талабаларнинг чуқур билими, ўткир нигоҳи, теран зеҳнига гувоҳ бўла туриб, келажакнинг порлоқлигига ишонч ҳосил қиласан, киши. Келажак ворисларининг мусиқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларидаги ижодий қобилиятларини барвақт аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга эътибор берилаяпти.

Миллий ўз-ўзини англаш миллий манфаатларни ҳимоя қиладиган, уни ривожлантирадиган маънавий-ғоявий куч сифатида намоён бўлади. У муайян халқнинг тили, қадриятлари, урф-одат ва анъаналарининг оддийдан мураккаблик томон ривожланишида ҳам кўринади. Шу сабаб ўз-ўзини англаган инсонда миллий ғурур, онг, тафаккур, миллий ифтихор ҳам тўла шакллана боради. Миллий онгни халқни уйғотувчи, уни маълум бир мақсадлар сари жипслаштирувчи ғоялар мажмуи ҳам дейиш мумкин.

Миллий ўз-ўзини англаш реал куч сифатида миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш жараёни билан узвий боғлиқ. Ўз навбатида миллийлик, аввало, миллат, жамият тараққиёти олдида масъулликни англатади. Бу масъулиятни ҳис этган ҳар бир фуқаро, шу юрт фарзанди дилида юксак ифтихор туйиши шубҳасиз. Зеро, елкага юрт шаъни ва миллат қадр-қимматини асрашдек юкни ортган эл серқуёш замин тупроғи, сув-ҳавосидан баҳраманд эканидан беихтиёр фахрланади.

Ҳалима ҚОДИРОВА,
Тошкент Давлат педагогика университети катта ўқитувчиси.

ФАРЗАНДИНГИЗДАН МЕҲРИНГИЗНИ АЯМАНГ

Машҳур ёзувчи Марк Твен: "Яхши мақтов икки ой яшашимга етади", — деган эди. Ёзувчининг фикрига қўшиладиган бўлсак, йилига айтилган олти мақтов кишига ҳам руҳан, ҳам жисмонан куч бағишлаб турар экан. Болаларда эса мақтов уларни ҳаракатга ундовчи асосий восита ҳисобланади.

Мулоҳаза учун мавзу

Қўни-қўшнимиз, танишимиз катта ёшдаги боласини эркаласа ёки мақтаса бизга эриш туюлиши мумкин. Бунга ё бачаналик, ёки ота-онанинг болани талтайтириб юбораётгани белгиси сифатида қараймиз. Аммо мақтовга нафақат улар, ҳатто катталар ҳам муҳтож эканлигини ўйлаб кўрмаймиз. Дейл Карнеги айтган эди: "Биз, аввало, бошқалар томонидан тан олинишимизга эҳтиёж сезамиз".

Аслида мақтов тан олинишнинг бир кўриниши, холос. Дейлик, ўсмир уйидан безиб қолган. Унинг фикрича, ота-онаси ундан кўра укасини кўпроқ яхши кўради. Аслида аҳвол бошқача. Ота-она фарзандига ўз муҳаббатини изҳор қилишни билмайди, холос. Бу айрим ўзбек оилаларга ҳам хос хусусият. Масалан, биз фарзандимизга бўлган меҳрни унга ўйинчоқ ёки қўғирчоқ олиб бериш билан исботлаймиз. Шунингдек, фарзандларимизни улар ҳали кичик ёшдалигида мақтаймиз. Чақалоқлик даврида у тушунмаса ҳам: «Тойчоғим, ақллигим», — дея эркалаймиз. Эмаклаганда ҳар бир ҳаракатини қўллаб-қувватлаб турамиз. Энди юра бошлаганда: «Қани, қани, яна битта қадам ташла», — деб рағбатлантирамиз.

У бир қадам юриб, йиқилади, биз эса... Ҳеч қачон: «Аҳмоқ, нима юришни билмайсанми?» — демаймиз. Аксинча: «Қани, тойчоқ, яна битта ҳаракат қилиб кўрчи!» — деб уни юришга ундаймиз. Шундай экан, нега фарзандимиз улғая бошлагач, айниқса, мактаб ёшига етгандан сўнг жим бўлиб қоламиз. Бизда негадир ўсаётган фарзандимизнинг ютуқларидан кўра, омадсизликларини кўпроқ муҳокама қилишга мойиллик пайдо бўлади. Ваҳоланки, ҳали характери тўлиқ шаклланиб улгурмаган бола учун бизнинг танқидларимиз жуда кучли таъсир қилади. Унга «Семириб кетганингни қара», «Сени мактабдан ҳайдаш керак», «Бунчалар бошимга битган бало бўлмасанг», дейишдан уялмаймиз. Унинг мақташга арзигулик жиҳатлари борлигини негадир бирдан унутиб қўямиз. Тўғри, биз ота-оналар фарзандимизга ёмонликни раво кўрмаймиз. Фақат яхши бўл дея уришамиз, холос. Шундай деб ўзимизни оқлаймиз ҳам.

Болани мақтасангиз, у талтайиб кетиши мумкин, деган гапни кўп эшитамиз. Аслида эса болалар ҳар бир қилган иши ота-онаси томонидан қандай қабул қилинишини сезади. Улар яхши иш қилса, мақтов эшитиши мумкинлигини англаб етадилар. Ва ўзига юклатилган вазифани ошиғи билан бажаришга ҳаракат қилади. Мақтов уни бунга ундовчи бир куч. Агар бажарган ишига ҳеч қандай акс таъсирни сезмаса, бу ҳаракатини нотўғри деб қабул қилиб, такрорламаслик йўлини излайди.

Мақтов ота-оналарнинг фарзандга, унинг ишига бўлган муносабатидир. Меҳр-муҳаббат ичида ўсган боладан келажакда ёмон киши чиқмаслиги аллақачон руҳшунослар томонидан исботланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ота-она томонидан эъзозда бўлган болалар қийналиб катта бўлганларга нисбатан руҳий жиҳатдан тўғри ривожланар экан. Одатда кўп ота-оналар болалари чақалоқлиги даврида уларни ўпиб, эркалаб, турли сўзлар айтиб яхши кўришини билдиришади. Катта бўла бошлагач эса бу уларга ғайритабиий ҳолга ўхшаб кўринади.

Ўсмирларни ҳадеб танқид қилиш ё бўлмаса фаолиятларини қўллаб-қувватламаслик, уларда ўзига нисбатан ишонч камайиб кетишига сабаб бўлади.

Хорижнинг айрим фильмларига эътибор берганмисиз? "Ойи, мен сизни яхши кўраман" ёки "Ўғлим, мен сенга ишонаман", қабилидаги гапларни жуда кўп эшитасиз. Демак, ушбу масала бу мамлакатларда мафкура даражасигача кўтарилган. Ўз фарзандининг ҳаётига эътиборсиз эмаслиги, шу билан бирга, у танлаган ҳаёт тарзига ишонч билдириши тарбиянинг тўғри йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, фарзандга муҳаббат изҳор қилишнинг эрта-кечи йўқ. У ҳамиша сиздан мадад кутади.

Дилноза ЭГАМҚУЛОВА.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган "Ўзбекистон музейлари фестивали"ни ташкил этди. Тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданият ва санъат кўргазмаси биносида бўлиб ўтди.

СУРАТЛАРДА ЎТМИШ ВА БУГУН

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

Фестивални ташкил этишдан кўзланган мақсад шаҳримизнинг бой тарихи, маданий мероси, унинг бугунги ҳаётини бутун дунёга кўрсатиш, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини оширишдан иборат. Кўргазмада шаҳар ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган 20 га яқин музейлар иштирок этди. Улар ўзларининг экспозициялари ва ҳазира фондларидаги экспонатлар асосида пойтахтимиз тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалари билан қатнашди.

Масалан, Ўзбекистон Давлат санъат музейи йигирмадан ортиқ оқ-қора рангли фотосуратлар билан иштирок этди. Суратлар номаълум суратқашлар томонидан ўтган асрнинг 20-30 йилларида олинган бўлиб, йиллар давомида томошабинларга кўрсатилмай сақланиб келинган. Фақат айримларигина кўргазмаларда намойиш қилинган.

— Уларда асосан рус маданияти услубида қурилган бинолар акс этган. Бундан Тошкент шаҳрида фақат ўзга маданиятларга хос бўлган бинолар қурилган экан, деган фикрга келиш нотўғри. Аксинча, ушбу даврда ҳам миллий руҳдаги бинолар — мадраса, масжидлар, шаҳарликларнинг яшаш уйлари, дала ҳовлилар ва боғлар барпо қилинган, — дейди Ўзбекистон Давлат санъат музейи экскурсоводи Сайёра Усмонова. — Бинолларнинг кўпчилиги бир қаватли. Иқлим шароити шундай уйларнинг кўп қурилишига сабаб бўлган. Чунки баланд дарахтларнинг соялари бир қаватли уйларни ёзнинг чилласида офтобдан сақлаган.

Фестиваль давомида музейлараро тажриба алмашишга ҳам кенг имконият яратилди. Республиканинг шаҳар, вилоят музейлари фондлари захираларида сақланиб келинаётган халқимизнинг моддий-маънавий осори атиқалари намойиш қилинди.

Адибахон РАҲМАТУЛЛЕВА.

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ — МИЛЛИЙ ВА МИНТАҚАВИЙ МАНФААТЛАР ИФОДАСИ

Ўн саккизинчи мақола

Мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга ўтиш ғоясини илгари сурган, уни барпо этиш ташаббускори — Президент Ислом Каримов эди. Юртбошимизнинг бу ташаббуси республикамизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш мақсадлари билан узвий боғлиқдир. Замонавий парламентаризм тизимини яратмай туриб барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифода этиш, жамиятда демократик тамойилларни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш мумкин эмасди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари қуйидаги фикрларни халқ ўртасига ташлаган эди: "Икки палатали парламентга ўтишдан асосий мақсад — парламентнинг ҳаётимиздаги ўрнини ошириш, қонунчилик ҳокимиятини кучайтиришдир.

Негаки, бунда парламентимиз фаолияти янги босқичга кўтарилади, унинг ваколатлари анча кенгаяди. Аввало, қуйи палатанинг иши анча ўзгаради. Бу палата эртага доимий фаолият кўрсатувчи, профессионал органга айланади... Юқори палата маҳаллий тизим, маҳаллий депутатларнинг давлат бошқарувидаги таъсирини кучайтиради, уларга юкланадиган масъулиятни ҳам оширади".

Янги асрнинг бошларига келиб мамлакатда икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш билан бир вақтда уни демократик тамойиллар асосида шакллантириш воситаси — сайлов тизимини янада такомиллаштиришга муҳим аҳамият берилди. Демократик сайловларнинг ҳуқуқий асосларини ривожланган мамлакатларда кенг ёйилган демократик тамойиллар, шунингдек, юртимизда яшаб келаётган миллий анъаналар асосида шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни қабул қилиши натижасида унга демократик тамойилларга хос бўлган янги тўлдиришлар ва ўзгартишлар киритилди. Мазкур қонун демократик сайловларни амалга оширишнинг демократик тамойилларининг асоси сифатида синовлардан ўтди. Шунингдек, сайлов қонунчилигининг ривожланишига уйғун равишда фуқароларнинг сиёсий маданияти ҳам ошиб борди. Айниқса, одамларнинг сайловлардаги иштирокининг фаоллиги, уларнинг сайловларга нисбатан муносабатларининг ўзгариб, халқнинг демократик қадриятларни ўз турмуш тарзига сингдириб бориши аниқ сезилди.

2004 йилги парламент сайловлари арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда мамлакат аҳолисининг демократик сайловлардаги фаолликлари яққол ифодаланди. Социологик тадқиқотларда «Сизнинг фикрингизча Олий Мажлисни ислоҳ этишдан асосий мақсад нимадан иборат?» деган саволга респондентларнинг 44,8 фоизи «Қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш», 27,5 фоизи «Жамият ҳаётининг барча соҳалари учун ҳуқуқий асослар яратиш учун зарур бўлган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш», 16 фоизи эса «Қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун таъсирчан назоратни амалга ошириш», деган жавобларни бердилар. 2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга киритилган янгиликлар — вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг парламент қуйи палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқининг қонундан чиқарилиши, сиёсий партиялар депутатликка номзодлари рўйхатида хотин-қизларнинг камида 30 фоиз бўлишининг шарт этиб қўйилиши, шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришга доир қонуннинг қабул қилиниши натижасида сайловларнинг демократик қадриятлар асосида ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Сайловолди жараёнларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 120 та депутатлик ўринларига 489 номзод кўрсатилди. Жумладан, сиёсий партиялардан — 435 номзод ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан — 54 номзод депутатлик ўринлари учун курашди. Сайловда 12197159 (барча сайловчиларнинг 85,1 фоизи) фуқаро қатнашди. Сайлов округларининг деярли 77 фоизида бир депутатлик мандати учун 4-6 та номзод ўзаро кураш олиб борди. Жумладан, 55 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун 4 тадан, 32 та сайлов округида 5 тадан, 5 та сайлов округида 6 тадан номзодлар депутатлик ўринлари учун беллашди. Сайлов кампаниясидаги ўзаро баҳс-мунозаралар, шунингдек овоз бериш натижалари шуни кўрсатдики, фуқаролар кўпроқ сайловолди дастурлари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга қаратилган, демократик ислоҳотлар тарафдори бўлган номзодлар учун хайрихоҳ бўлдилар. Бу сайловда олдинги парламентнинг фақат 18 та собиқ депутати Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

Сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларнинг 32 мингдан ортиқ кузатувчилари иштирок этди. Улар сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилишни таъминлашда катта роль ўйнади. Сайлов қонунчилигига янги киритилган — сиёсий партиялар нинг депутатликка номзодларининг камида 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши шарт қилиб қўйилганлиги ўзининг ижобий натижасини берди. Қонунчилик палатасига 159 та хотин-қизларнинг номзодлари қўйилиб, улардан 21 таси (17,5 %) депутатликка сайланди.

Қонунчилик палатасига бўлган сайловда ташаббускор гуруҳлар номзодларининг кенг иштирок этиши Ўзбекистонда партиясиз номзодларнинг ҳам парламентга депутат бўлиб сайланишлари учун ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлигини кўрсатди. Фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан бевосита кўрсатилган мустақил номзодлар 12 та сайлов округида сиёсий партиялар номзодлари билан бўлган кучли рақобатларда ютиб чиқишга эришди. Сайловчилар ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 54 номзоддан 12 таси депутатликка сайланди.

Қонунчилик палатаси профессионал депутатлар ҳисобига анча бойиди. Сайланган номзодларнинг 18,3 фоизи ҳуқуқшунос, 21,7 фоизи иқтисодчи мутахассислигини эгаллаган депутатлардан иборат бўлди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси таркиби жамиятдаги турлича ижтимоий қатламларнинг вакилларини ташкил этди. Депутатларнинг 10 фоизи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси, 7,5 фоизи қишлоқ хўжалиги, 12,5 фоизи тадбиркорлар, 20 фоизи таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларини ташкил этди. Депутатларнинг 16 фоизи эса нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ 2005 йил 17-20 январда Олий Мажлис Сенатига вакиллик органлари — Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари иштирокида яширин овоз бериш йўли билан сайловлар бўлиб ўтди. Олий Мажлисга сайловлар очиқ ва ошкоралик тарзида ўтди. Сайловлар кампанияси жараёнлари 493 та маҳаллий, 107 та хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилди. Шунингдек, сайловлар жараёнларида 40 та мамлакатдан 228 хорижий кузатувчилар иштирок этди.

Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган номзодларнинг ўз дастурларини ташвиқот қилишлари, сайловчилар билан учрашувлари учун тенг имкониятлар яратилди, уларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари учун

Тарихий ҳақиқат саҳифалари

ҳам тенг ҳуқуқлар берилди. Янги аср бошига келиб ўтказилган сайловларнинг натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатда замонавий демократик қадриятларни миллий анъаналар билан уйғунлаштириш асосида амалга оширилган ислоҳотлар тобора чуқурлашиб борди. Демократик сайловлар институти давлат органларини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида фуқаролик жамияти аъзоларининг манфаатлари ва иродасини сиёсий қарорларга айланиш жараёнларини таъминлаб бера олиш даражасига кўтарилди.

Мамлакат Президенти И. Каримовнинг ташаббуси билан давлат қурилиши соҳасидаги муҳим ислоҳот — икки палатали парламентга ўтишнинг ҳуқуқий асослари шакллганлиги, халқнинг иродасини ифодалаш учун ўтказилган умуммиллий референдум натижалари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришлар, икки палатали парламентни мувофиқлаштириб туриш учун қабул қилинган конституциявий қонунлар асосида 2005 йилнинг бошида мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи – Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси — Қонунчилик палатаси ва Сенат шакланди.

Юртимизда парламентаризм ғояси ва амалиётини ривожлантириш натижасида деярли ўн йилдан ортиқроқ давр ичида фаолият юритган бир палатали Олий Мажлисдан замонавий, модернизация этилган икки палатали парламентга ўтилди. Энди парламент профессионал ҳокимият органига айланиши билан бир вақтда минтақалар манфаатларини ифода этувчи орган сифатида фаолият юрита бошлади. Бу ислоҳотлар давлат қурилиши соҳасидаги янги бир босқичи, яъни "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида мамлакатни модернизация этиш жараёнлари бошланганлигини англатар эди.

Миллий парламентаризмнинг ривожланишидаги учинчи босқич Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланди. Ушбу тарихий анжуманда Президентимиз дастурий маъруза билан сўзга чиқиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш концепциясини, шунингдек, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг 2005 йилги ва олис истиқболга мўлжалланган асосий вазифаларини илгари сурди. Икки палатали парламент фаолияти бошланиши билан давлат ҳокимиятининг учга бўлиниш тамойили асосида фаолият юритиши учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилди. Қабул қилинаётган қонунларда миллий манфаатлар билан бир қаторда минтақавий манфаатларни ҳам ифода этиш амалиётига ўтилди. Парламент сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар воситасида жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда қонунлар қабул қилиш тажрибасини эгаллаши баробарида ўзида халқчиллик характерини намоён қила бошлади.

Айниқса, Қонунчилик палатасининг профессионал тарзда фаолият кўрсатиши натижасида қонунларнинг пишиқ ва пухта бўлишига эришила бошланди. Ундаги партиялар фракциялари ўртасидаги ўзаро баҳс ва мунозаралар натижасида миллий қонунчилик янада такомиллашиб борди. Депутатларнинг ҳар замонда парламентда иштирок этиб, тайёр қонун лойиҳаларини қабул қилиш учун овоз бериб, яна ўз иш жойига қайтиб кетиши ўтмишга айланди. Энди қуйи палата депутатлари нафақат қонунлар қабул қилишда, балки уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда, халқ ўртасида муҳокама қилинишида, қонунлар ижросини, бошқа ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилишда бевосита иштирок этмоқда. Натижада палата қўмиталари ва партия фракциялари билан сайловчилар ўртасида бевосита ўзаро алоқадорлик ва муносабатларнинг замонавий шакллари ва усуллари шакланди. Бу қонунларни сифатли, ишловчан ва самарадор бўлишига имконият туғдирмоқда.

2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунининг кучга кириши натижасида нафақат Қонунчилик палатаси, балки сиёсий партияларнинг ҳам жамиятдаги нуфузи ва обрўси ўсиб бормоқда. Айниқса, парламентнинг ҳукуматни шакллантиришдаги янги ваколатлари ҳуқуқий давлат қуриш талаблари асосида кечиши туфайли ҳам ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги мувозанатни сақлаш шарт-шароитларига эга бўлди. Парламент қуйи палатаси партия фракцияларида қабул қилинадиган қонун лойиҳаларини олдиндан муҳокама қилиш, палатанинг ялпи мажлисларида турли масалалар, қонунлар лойиҳалари юзасидан депутатлар ва партия фракцияларининг нуқтаи назарлари, таклиф ва мулоҳазаларини эркин ифода эта олиш муҳитининг шаклланиши натижасида қабул қилинаётган қонунлар амалий ҳаёт билан яқинлашиб бормоқда. Парламентнинг ҳар иккала палатаси томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг келажаги ва ҳаётда ишлашига муҳим аҳамият берилаётганлиги туфайли ҳам ўтган уч йилдан ортиқроқ давр ичида мамлакатда давлат қурилиши ислоҳотларини таъминлашга қобил бўлган қатор ҳуқуқий асослар яратилди.

Қонунларни қабул қилиш жараёнлари замонавий парламентаризм талаблари даражасига кўтарилди. Қуйи палатада қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, уларни ҳар томонлама муҳокама қилиш унинг энг устувор фаолият йўналишларидан бирига айланди. Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш депутатлар томонидан уч марта ўқиб чиқиш асосида амалга оширилмоқда. Дастлабки ўқишда қонун лойиҳасининг умумий концептуал моҳияти ва асосий моддалари муҳокама қилинса, иккинчи ўқишда ҳар бир модда алоҳида-алоҳида ҳолда муҳокама қилиниши, уларнинг ҳар бири депутатларнинг маъқуллаши натижасида кўриб чиқилиши анъанага айланди. Лойиҳаларни учинчи ўқишда нафақат депутатлар, балки кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳам эътиборга олиниши натижасида пухта қонунлар қабул қилишга эришилмоқда. Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг Сенат томонидан маъқулланиши натижасида уларда жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва минтақалар манфаатларини ифодалаш имкониятлари туғилди. Бу фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган – турли ижтимоий қатламлар манфаатларини келиштириш ва мувофиқлаштиришнинг табиий равишда рўй бериш амалиётининг пайдо бўлишига олиб келди.

Икки палатали парламент фаолият юритаётган даврда ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, 99 та турли кодекслар, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси билан турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги 18 та конвенциялар, протоколлар, шартномалар, битимлар ратификация қилинди, 3 таси эса денонсация этилди.

Қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти мамлакатда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни юксалтириш, фуқаролик жамиятининг иқтисодий асоси бўлган тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кириб келишини қулайлаштириш, халқ фаровонлигини ошириш соҳаларини ривожлантиришга доир ҳуқуқий асослар ташкил этади.

Қонунларнинг халқчиллигини, уларнинг хусусий мулкчиликни ривожлантиришга қаратилганлигини, тадбиркорлар ва фермерлардан олинадиган солиқлар ставкалари йил сайин камайиб боришини қуйидаги маълумотларда кузатиш мумкин: 2002 йилда пенсия жамғармасига ажратма 37,3 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 23,5 фоизга тушди. Шу давр ичида бандлик жамғармасига ажратма 1,5 фоиздан 0,3 фоизга, юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи 24 фоиздан 10 фоизга туширилди. 2002 йилда жисмоний шахслар даромадларининг энг кам иш ҳақи нисбатидаги шкаласи 4 та энг кам иш ҳақигача 13 фоиз, 4-8 тагача 23 фоиз, 8 тадан юқорисига 33 фоиз қилиб белгиланган бўлса, 2007 йилга келиб жисмоний шахслар даромадларининг энг кам иш ҳақи нисбатидаги шкаласи 5 та энг кам иш ҳақигача 13 фоиз, 5-10 тагача 18 фоиз, 10 тадан юқорисига 25 фоизга туширилди. Кўриниб турибдики, кейинги йилларда фуқаролар, жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий фаоллиги эркинлашиб бормоқда, мамлакатда иқтисодий эркинликнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, икки палатали парламент фаолиятида қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг қарор топишига қаратилмоқда. Бунда энг асосий эътибор инсонга, унинг эркинлигига, ҳуқуқларининг таъминланишига ва фаровонлигини оширишга қаратилди. Президент И. Каримов 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида икки палатали парламент барпо этишдаги мақсадни қуйидагича ифодалаган эди:

"Биринчи – парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш.

Иккинчи – Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш.

Учинчи – Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш.

Тўртинчи — аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки қўламини янада кенгайтириш".

Кўриниб турибдики, қисқа давр ичида халқаро тамойилларнинг барча талабларига жавоб бера оладиган замонавий парламент тизими яратилиб, у амалга оширилаётган ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириб берди. Шунингдек, қабул қилинган қонунчилик жаҳонда ривожланган давлатлар тажрибасида синалган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари сифатида ривожланди. Шу билан бир вақтнинг ўзида, парламент ислоҳотларида миллий анъаналар ва қадриятлар ҳам эътиборга олинди.

Мунирахон ҚОРИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Сурхондарёнинг Қизириқ туманида меҳнаткаш, меҳр-оқибатли, янгиликка интилувчи, фидойи инсонлар кўп. Улардан бири, 25 йилдан буён устозлик касбини улуғлаб келаётган 41-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳалима Бобоқуловадир.

МАКТАБ – ОИЛА – МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

У «Миллий тикланиш» партияси фаолият юрита бошлаган дастлабки кунларданоқ биринчилар сафида партияга аъзо бўлган.

— Партиянинг Уставида миллий қадриятлар, миллий анъаналарга асосланган ғоялар, тушунчалардан иборат мақсад-вазифалар мавжудлиги қалбимни тўлқинлантирди, — дейди у.

Бошланғич ташкилот — етакчи куч

Ҳалима опанинг мактаб бошланғич партия ташкилотига раислик қилаётганига ҳам бир ярим йилдан ошди.

— Жиддий ўйлаб кўрилса, мактабдаги адабий ёки бошқа тўгаракларда, миллий руҳ уфуриб туради. Таълим-тарбия жараёнида миллий меросимизни авайлаб-асраш, қадриятларни қадрлаш каби туйғуларни ёш авлод онгига сингдириш барча ўқув даргоҳларига хос хусусият. Бу партиямиз мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозир мактабимизда каштачилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби тўгараклар фаолият мавжуд. Уларда устозлар ёш авлодга миллий меросимиз ҳисобланмиш бу ҳунарларни меҳр билан ўргатмоқда.

Ҳалима опа бошчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти 25 нафар аъзосининг мактабда ўтказилаётган ҳар бир тадбирда ўзига хос ўрни бор. Жамила Раҳмонова, Шуҳрат Жовлиев, Барно Худойбердиева, Маҳфуза Саидова, Матлуба Янгибоева, Абдумалик Эсонов, Зулфия Сатторова ёшларни билим олишга қизиқтириш билан бир қаторда, партия ишларида ўзларининг маҳоратларини кўрсатмоқда.

Таълим-тарбия ишида мактаб-оила-маҳалла ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар йилида бошланғич ташкилот аъзолари ҳам ана шу ҳамкорлик асосида иш олиб боришни режалаштирган. Яқинда ўтказилган йиғилишда ҳам юқоридаги масалалар кўриб чиқилди. Амалга оширилаётган ушбу ишлар, ўтказиладиган тадбирлар режаси кўриб чиқилди, партия сафларини ёшлар ҳисобига янада кенгайтириш, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб бориш ҳамда партия нашрига обунани кўпайтиришга келишиб олинди.

Жуманазар АНОРОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Андижон вилоятида 746 та умумтаълим мактаби, ихтисослаштирилган ҳамда махсус мактаб-интернат, 570 дан ортиқ мактабгача тарбия муассасаси, 50 та спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Жума – соғломлаштириш куни

Уларда минглаб ўқувчи-ёшлар турли машғулотлар билан шуғулланмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармаси Ёшлар йилида билимга чанқоқ ўғил-қизларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан чиниқишларига имконият яратиш ва ниҳоят спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ҳафтанинг жума кунини соғломлаштириш куни деб белгилади. Спорт мураббийлари, тажрибали спортчилар ҳар бир ўқувчи билан машғулотлар ўтказиш, ўзаро беллашувлар уюштириш бўйича махсус дастурлар тузди.

Эндиликда Андижондаги мавжуд спорт мактаблари ва мажмуалар нафақат шу ерда машғулот ўтказаётганлар учун, балки яқин ҳудудда яшаётган ёшлар учун ҳам доимо очиқ.

Умид ДЎСТҚОБИЛОВ.

"ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?"

Андижон давлат тиллар институти "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти қошида ташкил этилган жамиятнинг мақсади талабаларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, қонун устуворлигини таъминлашда ёшларнинг фаоллигини кучайтириш, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолишнинг олдини олишдир. Шунингдек, жамият огоҳлик каби долзарб масалалар бўйича ҳуқуқшунослар, адвокатлар, прокуратура ходимлари билан учрашувлар ташкил этишига ҳам бош-қош бўлмоқда.

Аниқ режа асосида иш бошлаган "Ҳуқуқсевар ёшлар" жамиятининг фаоллари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни тарғиботига бағишланган "Ҳуқуқингизни биласизми?" дея номланган видеолавҳа тайёрлади. Ҳаётий мисолларга бой лавҳа Андижон Ёшлар телерадиокомпанияси томонидан водий аҳлига намойиш этилди.

Шохрухмирзо ОДИЛБЕКОВ.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда спортни, жумладан теннисни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Нафақат йирик шаҳарларда, балки чекка қишлоқларда ҳам теннис кортлари қурилиб фойдаланишга топширилди Ҳозир юртимизда юзлаб теннис тўгараклари ишлаб турибди. Шу йилнинг 29 апрель куни Президент Ислом Каримов томонидан имзоланган "Республика Олимпия заҳиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"га Қарор шу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳар йили кўплаб нифузли халқаро мусобақалар ҳам ўтказиб келинаяпти. Яқинда Фарғонада бўлиб ўтган анъанавий эркаклар Челленжер турнирини шундай мусобақалар сирасига киритиш мумкин. Турнир давомида инсонпарварлик акциялари ҳам ўтказилди. Хусусан, вилоят теннис клублари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларига спорт анжомлари топширилди.

СУРАТЛАРДА: мусобақа ва акциядан лавҳалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Элликқалъада бўлганмисиз? Юртимиздаги бу ёш туман сизни нимаси билан мафтун этган? Агар кўпчиликдан шу ҳақда сўрасангиз, ҳеч иккиланмай улар бу ернинг шижоатли одамларидан гап очишади. Меҳнатдаги ютуқлардан қувонишади. Чўлда унган дур каби яшнаб турган Бўстон шаҳарчасининг бугунги жамоли, гўзал табиати, ўзига хос манзараси уларни бефарқ қолдирмайди. Қорақалпоғистоннинг ҳеч бири жойида кўзга ташланмайдиган бу ҳолат — гўзалликнинг эса завқи ўзгача. Аслида бу ҳам ана шу шижоатли одамлар меҳнатининг маҳсули.

ЭЛЛИККҚАЛЪА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

ИҚТИДОРЛИ МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

Дарҳақиқат, туманга илк бор ташриф буюрган одам ўзини худди боғу бўстонга кириб қолгандек ҳис этади. Элликқалъаликларнинг фахр этишга арзигулик ишларидан қувонишади. Бу ютуқлар иқтисодиётнинг қатор соҳаларида кўзга ташланиб турибди. Дунёнинг бир қанча мамлакатларига экспорт қилинаётган Элликқалъа толаси, қишлоқ хўжалигининг турли бўғинларидаги юксалишлар, кадрлар тайёрлашда эришилаётган муваффақиятлар, хуллас, ҳамма-ҳаммаси меҳнат аҳлининг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан далолат бериб турибди. Маънавий-маърифий соҳалардаги бир-биридан бетакрор тадбирларни айтмайсизми? Унинг довруғи бутун мамлакат бўйлаб янграйди. Шунчаки бир оддий тадбир сифатида қолиб кетмайди. Ўз навбатида маънавий-маърифий ишлар нафақат ёшлар, балки кекса авлод вакиллари қалбига ҳам завқу шавқ бағишламоқда.

Элликқалъаликларнинг фахру ифтихор туйғуларини оширган замонавий мактаблар, лицей ва касб-ҳунар коллежларининг эса довруғини бутун эл билади. Уларнинг орасида кўп йиллардан буён нафақат Қорақалпоғистон Республикаси, балки Хоразм вилоятига ҳам малакали ўрта бўғин шифокорлари етказиб бераётган Элликқалъа тиббиёт коллежи алоҳида ўрин эгаллайди.

— Бу коллеж фахримизга айланган, — дейди туман ҳокими Неъматилла Худойберганов. — Унда таҳсил олаётган ўғил-қизларимиздан умидимиз катта. Улар ўқув даргоҳини битириб, саломатлик посбонига айланишади. Эл соғлигини муҳофаза қилишдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшишади.

Ҳа, шифокорлик масъулиятли касб. Ўз навбатида соғлиқни сақлашнинг қайси тизимида бўлмасин, бу соҳада ишлашнинг ўзи бир шараф. Мамлакатимизга мингдан зиёд ўрта бўғин тиббиёт ходимлари етказиб берган коллеж жамоаси бу масъулиятни чуқур ҳис этиб, малакали кадрлар тайёрлашга доимо жиддий эътибор бериб келмоқда. Ёшларнинг эртанги тақдирига муҳим аҳамият бераяпти. Ахир, бугун олинган чуқур билим, пухта эгалланган касб-ҳунар эртага ёшларнинг нуфузини оширади. Эл олдида юзини ёруғ этади. Шунинг учун ҳам бу илм даргоҳига кимлар ҳавас қилмайди, дейсиз. Маҳаллий ёшларнинг севимли масканига айланган коллеж талабалари орасида ўз фарзандларининг ҳам бўлишини кўпчилик ота-оналар чин дилдан ният қилишади.

— Ёшлар бизнинг келажагимиз, — дейди коллеж директори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, "Шуҳрат" медали соҳиби Рашид ака Аллаберганов. — Уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишиши, жамиятимизда ўз ўринларини эгаллашлари учун ҳукуматимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ёш авлодга катта ғамхўрлик кўрсатиб келиняпти. Ҳеч бир йил йўққи, уларнинг тақдирига бефарқ қаралган бўлса. Масалан, Ёшлар йилини олайлик. Унга мувофиқ қабул қилинган Давлат дастури ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Уларнинг келажакка бўлган умид ва ишончларини кучайтирди. Аслида бу ҳам фарзандларимизга бўлган чексиз меҳру муҳаббатнинг амалий ифодасидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" уларнинг камолига хизмат қилмоқда. Ўз навбатида ёшлар ҳам Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишиб, сидқидилдан хизмат қилишдек эзгу мақсадлар билан яшаб, ўқиб, ҳунар ўрганишяпти.

Ўқув даргоҳида 1475 нафар талаба ҳамширалик иши, даволаш иши, лаборатория диагностикаси йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда. Ўзига 161 нафар ўқитувчини бирлаштирган педагогик жамоа ўқувчиларга пухта билим бериш билан биргаликда ўқув тарбия ишларини пухта ташкил этишга масъулият билан ёндошмоқда. Кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга бор куч-имкониятини сафарбар айлаяпти. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Зариббой Шеримбетов, фахрий ўқитувчи Худойберган Нурмонов, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Бекинч Искандаров, тажрибали педагоглар Ражаббой Юсупов, Замира Машарипова, Шоира Салоева, Муҳаббат Раҳматуллаева, Назира Алломова ва Шодибек Одамбоевларнинг ўқув машғулотларидан талабалар чуқур қониқиш ҳосил қилишмоқда. Улар қалб қўри, дил меҳрини ўқувчиларга пухта билим бериб, касб-ҳунар сирларини ўргатишга бағишлашяпти. Бўлажак шифокорларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун тиниб-тинчиш-маяпти. Ёшларнинг ўз соҳаларига бўлган қизиқишларини янада кучайтиришмоқда. Бунинг учун изланиш ва тадқиқотлар олиб боришаяпти. Жумладан, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулора Алимова томонидан ташкил этилган "Гуруҳ раҳбарининг журнали" кўпчиликка қўл келмоқда. Коллеж ёшларини ўзига бирлаштирган 58 та гуруҳнинг барчасида ундан кенг фойдаланиляпти. Журналда ҳар бир гуруҳда қилинган ишлар ўзининг тўлақонли ифодасини топади. Ваҳоланки, гуруҳ раҳбарлари аввал бир вараққа кунлик қилган ишини ёзиб, жилдга тикиб боришарди. Шу ўқув йилида жорий қилинган бу янгилик мутахассислар қизиқишини оширди. Ишини енгиллаштирди. Гуруҳ раҳбари нима иш қиладиган бўлса тайёр ҳужжатига айланган бу журналда ўқувчилар билан ишлаш, ота-оналар мажлиси баёни, тадбирлар, талабаларнинг рейтинг кўрсаткичлари мунтазам ёзиб борилади. Энди янгилик муаллифи тўгараклар бўйича услубий қўлланма яратиш устида изланмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Коллежда ўқув жараёни бугунги кун талаблари даражасида ташкил қилинмоқда. Етарли шарт-шароитларга эга бўлган ўқув биноси, спорт зали 240 ўринли талабалар ўйи ёшлар хизматида. Энг сўнгги замонавий русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган 2 та синф, 7 та фан тўгараги, маънавият ва маърифат хонаси, фаоллар зали, 17 минг нусхадан ортиқ китоб захирасига эга бўлган ахборот-ресурс маркази ўқувчиларнинг севимли жойига айланган. Машғулотлардан сўнг улар бу жойларга ошиқишади. Ўз устида астойдил ишлашади. Бўш вақтларини беҳуда ўтказишмайди. Ўз соҳаларининг яхши мутахассиси бўлиш учун ҳозирданоқ мустаҳкам пойдевор яратиб боришади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари, интилишларини кузатиб, педагогик жамоанинг меҳнати зое кетмаётганлигига қатъий ишонч ҳосил қиласиз.

Коллежда маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар пухта йўлга қўйилган. Бу — талаба ёшлар қалбига мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг туб моҳиятини сингдиришда муҳим роль ўйнаяпти.

Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғояни ўргатиш ва маънавий-маърифий ишлар савиясини ошириш тўғрисида"ги Қарорига асосан илм масканида қатор амалий ишлар амалга оширилди. "Миллий истиқлол ғояси фанини ўқитиш ва ўрганиш" хонаси ташкил этилиб, бу ерда тез-тез очиқ дарсларни ўтказиб бориш йўлга қўйилди. Шу билан биргаликда "Миллий истиқлол ғояси" ва "Сиз тарихни биласизми?" мавзуларида ҳам кўрик-танловлар ташкил этиб борилмоқда.

Талабаларнинг маънавий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш фақат бу билангига кифояланиб қолаётгани йўқ. Улар маъмурият ташаббуси билан музейларга, тарихий жойларга тез-тез саёҳатга чиқиб туришибди. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчилари талабалар ўртасида "Интеллектуал ринг" ўйинларини ташкил этган. Ҳар бир гуруҳда маънавият соатлари йўлга қўйилган. Шу билан биргаликда "Маънавият ва маърифат хонаси"да Президент асарлари кўргазмаси ташкил қилинган.

Энг муҳими, коллежни битириб чиққан мутахассислар бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида сидқидилдан меҳнат қилиб, эл соғлиғини юрт бойлигига айлантиришмоқда. Улар сафидан эса бугун етишиб чиқаётган янги авлод вакиллари ўрин эгаллаяпти.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ. ®

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968 сонли «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК

TURON BANK

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига миллий валютада қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

«ЁШЛИК» — йиллик 30 фоиз, омонат муддати 3 ой, фоизлар ойма-ой ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

«ИШОНЧ — 1» йиллик 27 фоиз, омонат муддати 3 ой, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг миллий валютада тўланади.

«ИШОНЧ — 2» йиллик 28 фоиз, омонат муддати 6 ой, фоизлар мижоз талабига кўра омонат расмийлаштирилгандан сўнг 3 ой муддатда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

«ИШОНЧ — 3» йиллик 27 фоиз, омонат муддати 12 ой, фоизлар мижоз талабига кўра ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

Фармонга асосан 2008 йил 1 апрелдан — 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда истаган киши банкларда ўз депозит ҳисобварақларини очиши, унга миллий ва хорижий валютадаги чекланмаган миқдорда маблағини қўйиши мумкин.

Маблағни келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилмайди.

- Турон банк мижозларнинг омонатга қўйган пул маблағлари сир сақланишини кафолатлайди.
- Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.
- Омонатга қўйган маблағларингиз ҳисобига олинган даромадингиз солиққа тортилмайди.

Жиззах тиббиёт коллежида таълим олаётган ёшлар келажакда шифокор бўлишдек эзгу мақсадни қалбларига жо қилишган. Ўқув хоналари, таълим жараёнлари билан танишиб, оқ халати ўзига ярашган талабаларни саломатлигимиз жонкуярларининг вакиллари дегимиз келди.

КАМОЛОТ МАНЗИЛЛАРИ САРИ

Коллеж ҳовлиси файзли, ён-атрофдаги гулзор, яшил дарахтлар кўзни қувнатади. Ўқув биносининг ичи шинам ва озода. Бунда, албатта, аҳил педегоглар жамоасининг, талабаларнинг ҳам ҳиссаси бор. Ўқув даргоҳида ҳозирда 3300 нафардан ортиқ талаба таҳсил олади. Уларнинг ҳар томонлама етук, малакали кадрлар бўлиб етишиши, билим ва касб сирларини ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳамширалик иши, акушерлик иши, фармация, тиббиёт профилактикаси, лаборатория диагностикаси каби йўналишларда таълим олаётган ёшларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини унумли ўтказиши учун ҳам бир қатор имкониятлар яратилган.

Ҳар қандай даврда ҳам ёшлар тарбияси энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Давлат ва жамият тараққиётида, элюрт равнақида ёш авлоднинг илму салоҳияти, тафаккури мустаҳкам ўрин тутган. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номланиши ҳам юртимизда ёшларга яратилаётган катта имкониятларнинг ёрқин намунасидир. Тиббиёт коллежида таълим олаётган талабалар ҳам буни рағбат деб тушунишади, албатта. Шу боис, улар бу эътиборга мунносиб жавоб қайтаришга интилишмоқда. Ўқув юртида маънавий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Айниқса, талабалар турар жойида истиқомат қиладиган ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш учун бир қатор имкониятлар яратилган. «Тикувчилик», «Аёллар сартарошлиги», «Зардўзлик» тўгараклари самарали ишлаб турибди. Уларга аъзо бўлган ҳар бир ёш ҳунар сирларини меҳр билан ўрганаётганини кўриб, қувондик.

Таълим муассасаларида

Коллеж ахборот-ресурс маркази ҳамиша талабалар билан гавжум. Марказнинг асосий жамғармаси ўқув дарсликлари, қўлланмалар, маънавий-маърифий ва бадиий адабиётлардан иборат. Бундан ташқари, кутубхона фондидан даврий матбуот нашрлари тахламлари ҳам ўрин олган. Ёшларнинг саводхонлигини оширишда бу ерда ўтказиладиган турли хил тадбирлар, маънавий мулоқотларнинг ҳам фойдаси катта бўлаётир. «Ахборот ресурс ойлиги»да фаол иштирок этган бир қатор талабалар рағбатлантирилди. Уларнинг ижодий ишлари жамланмалари, шеърий тўпламлари, дизайнерлик фаолияти намуналари бу даргоҳга қадам ранжида қилган ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Уларни кузатар экансиз, ёшларнинг нафақат тиббиётга, балки бошқа соҳаларга ҳам қизишлари катта эканлигига амин бўласиз. Бежизга ёшликни инсон умрининг баҳори дейишмайди. Ҳа, ёшлик янгиликларга интилиш, ўқиш-ўрганиш фаслидир.

— Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш мақсадида ҳам бир қатор режали ишлар олиб борилмоқда, — дейди коллеж директори Олим Муротов. — Улар эришаётган ютуқларни устозлар меҳнати ва яратилган имкониятташаббускорликка, ҳамжиҳатликда мақсад сари интилишга ундамоқда. Коллежда ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти аъзолари доимо изланишда. Уларнинг ташаббуси билан бир қанча ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Талабалар турар жойи шинам ва озода, «Фаол китобхонлар ва ижодкорлар» клубига ҳам ташкилот фаоллари етакчилик қилишмоқда. Коллеж «Камолот» ЁИҲ етакчиси Дилдора Орипова «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида иштирок этиб, танловнинг шаҳар босқичида биринчиликни қўлга киритди.

Жорий йилда ўқув масканининг 200 ўринли талабалар турар жойи қайта таъмирланиши режалаштирилган. Бу ерда ёшларнинг маданий хордиқ чиқариши учун мўлжалланган қўшимча дам олиш, маиший хизмат кўрсатиш хоналари ва бошқа қулайликларни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, ўқув юртида таълим берадиган устоз-мураббийлар бор тажрибасини ишга солиб ёшларга касб сирларини ўргатишаётир. Талабалар ҳам бунга муносиб жавоб қайтаришга интилишмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу даргоҳни чин маънода ёшларни камолот манзиллари сари етакловчи зиё маскани дейиш ўринлидир.

Норқул МАЪМИРОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири. ®

ҲАЁТ — УСТОЗИ АВВАЛ

сабоғига қил амал

ВАТАН ИШҚИ

Болаликдан қалдирғочларга ҳавасим келади. Улар айвон кунгураларида — энг хавфсиз жойларда ўзларига ин қуришади. Ошёнларини тумшуқларида келтирган покиза тупроқ ёки қум ашёларидан барпо этишади. То аёзли кунлар бошлангунча ва полапонларини учирма қилгунга қадар шу ерда яшашади. Кейин... иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Воажабо, кунлар илий бошлагач эса, яна ўз қадрдон гўшаларига соғомон қайтиб келишади!

Қизиқ, бу беозор қушлар қандай қилиб кўз очиб дунё таниган Ватанига адашмай йўл топа олар экан? Биринчидан, бу – сир. Улар ўзгаларга тегишли инларга асло тажовуз қилишмайди. Иккинчидан, бу – ибрат. Шу ўринда кўнгилда шундай савол пайдо бўлади: одамлар-чи? Улар ҳам дахлсиз қўрғон — бино бўлган тупроғи — она-юртини қушларчалик муқаддас ҳисоблайдими? Бундай саволга жавоб бериш анчайин мушкул. Негаки, эҳтимол, инсон аввало руҳан, сўнгра фикран қалдирғочга айланмоғи шартдир?! Аммо Ватан ишқи илоҳий туйғу эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак.

Байт:

Ватандек бир мўътабар тупроқ топилмас,
Ҳам у каби роҳатбахш ардоқ топилмас.
Туғилган хур ошёним менсиз бор эди,
Валекин усиз менга қучоқ топилмас.

ИМКОНДАН ТАШҚАРИ ИМКОН ҚИДИРМА

Инсон ҳар бир воқеа-ҳодисадан ибрат олмоғи ёки ундан фойдали хулосалар чиқармоғи зарур. Кимки шундай тартибга одатланган бўлса, шубҳасиз, у ўз турмушидан қониқиб яшайди.

Ўтмишда бир художўй одам бутун умрини тоат-ибодат билан ўтказибди. Баҳор кунларининг бирида табиий офат рўй бериб, қишлоғини сел босибди. Ҳамма жонини сақлаб қолиш мақсадида бехавотир жойга қараб қоча бошлабди. Ҳеч ким мол-дунёга эътибор бермабди. Художўй эса ҳамон ибодат қилаётган эмиш. У нуқул:

— ...Лаҳавла, вала қуввата илла биллаҳил алиййил азим! — дермиш.

— Биродар, ақлингни ишлат, имкон борида ўзингни қутқар! — дебди қочаётганлардан бири унга.

— Нима, сен худодан устун бўлдингми? Йўлингдан қолма! Шунча йиллик ибодатим беҳуда қолмас, ахир? — деб танбеҳ берибди қочоққа у.

— Эгамдек қодир зот йўқ. Лекин билиб туриб, ҳаётингни хавф остига қўйиш нодонликдир. Бу — имкондан ташқари имкон қидириш билан баробар. У ёғи ўзингга ҳавола, — деб ҳалиги киши йўлини давом эттирибди.

Ярим соат вақт ўтар-ўтмас ҳамма ёқни ваҳимали тошқин овози эгаллабди. Сел йўлида нимаики дуч келса, барини оқизиб келарди. Пахсали-ю синчли уйлар бузилиб, беомон тўлқинга беихтиёр таслим бўларди. Бир неча дақиқа ичида қишлоқдан ном-ни-

Ибратли дунё

шон қолмабди. Даҳшатли ҳодиса художўй одамни ҳам ўз комига тортибди. У бирор-бир амалий чора кўриш ўрнига: "Эй, худо! Эй, худо!.." — дермиш. Ва ниҳоят унинг ҳам паймонаси тўлибди. Кўзини очса, боқий дунёда турганмиш. Шунда у:

— Эй, яратган Эгам! Умрим бўйи сенга ва фақат сенгагина ибодат қилдим. Нега мени қутқармадинг? — деб сўрабди.

— Ақлингни ишлатгин эди... Чўкаётганингда сув юзасида қалқиб турган дарахт танасига нега чиқиб олмадинг? Уни сенга яқинроқ қилиб қўйгандим-ку? Ялқов бўлганинг учун имконият яратгандим, ундан фойдаланишни эплолмадинг. Бу тўғрида қўшнинг сени огоҳлантирганди. Ахир, ўшанда "Сендан – ҳаракат, мендан – барокат!" – нақлига амал қилишинг шарт эди. Айб ўзингда! — деган жавоб эшитилибди ғойибдан.

Байт:

Не эзгулик, не ёмон – бари Ердадур,
Жаҳолату пок иймон кори Ердадур.
Ўз қилмишин унутиб, гоҳо одамзот
Нечун осмонга бўзлар, чора Ердадур.

АТРОФИМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Ҳаётга боқиб, баъзида ўйланиб қоламан: нега одамлар муносабати тез-тез ўзгариб туради? Айниқса, бошингга мушкул иш тушганда кўпгина синовлардан ўтган яқин кишинг ҳам гоҳида сендан ўзини олиб қочади. Наҳотки одам дўстига нисбатан адолатсизлик қилаётганлигини билмаса? Ёки у сенга қайишса, бирор-бир манфаатига путур етармикин? Нима бўлганда ҳам, қизиқ ҳолат шундаки, ҳамма меҳр-оқибат ҳақида кўп ва хўб гапиради.

Албатта, одамлар муайян жамиятда умргузаронлик қилади. Улар доимо бир-бирларига суяниб яшашга одатланган. Аммо мусибатли кунларда ишонган кимсаларинг дардингга малҳам бўлиш ўрнига сенга эътиборсизлик қилса, алам қилмайдими? Биламан, қилган барча яхшиликларингни миннат қилмайсан, бироқ ёрдамга муҳтожлигингни сезиб турса-да, у мурувватли бўлишни хаёлига ҳам келтирмайди. Шунда ўзингдан ўтган хато-камчиликларни пайқайсан... Афсус, надоматдан бошқа туйғуни илғамайсан.

Шундай пайтда кимдан ёки нимадан кўпроқ нолишга ҳақлидирсан: тақдирданми, замонданми, одамлардданми? Менимча, ҳар ким ўзлигини таниб, ўзини тушунмоғи керак.

Байт:

Агар керак бўлсайдим керакли одам,
Назарда бўлар эдим ҳар лаҳза,
ҳар дам.
Модомики борлигим
пайқамас ҳеч ким,
Қадрим йўқ ё теграмда
бемеҳрлар жам...

ФИКРИ ТИЙРАН ҲИКМАТ КЎРАДИ

Яхшилик қилиш тўғрисида кўп гапирилади. Ҳолбуки, яхшиликнинг ўзи нима эканлигини баъзида унутиб қўямиз. Айбни яширмоқ учун шунга яраша баҳона ҳам топилади. Масалан, бир кам дунё, бевафо дунё, ёлғончи дунё... Аслида мавжуд дунёга бундай сифатларни ёрлиқлаш нодонликнинг айнан ўзгинасидир. Ишонмасангиз, ҳаётга жиддий ва табиий назар ташланг: кўп нарса ойдинлашади. Шунда бировга ёмонлик қилмаслик ҳам яхшилик эканлиги аён бўлади.

Тўғри, табиат мунтазам ўзгариб туради. Шунингдек, кишилик жамияти ҳам давр тақозосига кўра янгиланиб боради. Лекин дунё ҳамон ўша-ўша: қуёш чиқиб, ой ботади, кечадан сўнг кундуз келади, фасллар алмашиниб туради. Демак, дунё ёлғончи эмас – қуёш тонгдан зиё сочади ва ой тунда нур таратади, бевафо эмас – фасллар бирин-кетин келади, бир кам эмас – фурсат келиб, ҳар бир хилқат ўз фаолиятини тўхтатади. Хўш, унда гап нимада? Ҳамма гап ўзимизда. Ҳар бир одам дунёни ўз қаричи билан ўлчайди. Фикри тийран ҳикмат кўради, фикри ожиз – иллат. Бундан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: инсон кўнгли қандай шакл топса, дунёга назар ҳам шундай бўлади.

Байт:

Дастурхон теграсида тўпланганга боқ:
Барчаси хушнуд каби жилмаяр, бироқ
Кўнглида нечук жадал урмиш тўполон —
Ғайрми ё меҳрми, билмассан мутлоқ.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Пойтахтимиздаги Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида сўнгги қўнғироқ тантаналари бўлиб ўтди. Унда битирувчи ўқувчилар ва мазкур ўқув даргоҳини бундан эллик йил муқаддам тугатиб кетган авлодлар учрашуви ташкил қилинди.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Сўнгги қўнғироқ

Бундан кўзда тутилган асосий мақсад, ушбу соҳа бўйича таълим олаётган талабалар анъанасини давом эттириш ҳамда уларда байрамона кайфият уйғотишдир.

Айтиш мумкинки, шодиёналар кўнгилдагидек кечди. Чор-атроф турли рангдаги шарлар, турфа гуллар билан безатилган. Лицейга кириш йўлагида мусиқа оҳанглари янгради. Тўрда эса болаларга санъат сирларидан сабоқ бераётган устозлар, фахрий ўқитувчилар қўр ташлаб ўтиришибди.

Байрам тадбирини лицей-интернат директори С. Содиқов очиб, собиқ ўқувчиларни, меҳмону фахрий устозларни байрам билан муборакбод этди. Кечага Ҳамид Олимжоннинг "Ўзбекистон" шеърига басталанган мусиқа ўзгача файз киритди. Айниқса, Насиба Омонова раҳбарлик қилаётган дуторчи қизлар ансамбли иштирокчилари даврага кўтаринки кайфият улашди. Шундан сўнг лицей битирувчилари мактаб ҳовлисига тантанавор ҳолда кириб келишди. Уларни барча олқишлади.

Битирувчилар яхши ният ила тинчлик рамзи бўлган оппоқ кабутарларни парвозга шайлашди. Бу — мамлакатимиз келажагига ишора бўлди. Кеча барчада катта таассурот қолдирди.

Хонбиби МАҲАМОВА.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ — БИРИНЧИ

Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртлари талабалари ўртасида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда талабалар спортнинг стол тенниси, шахмат, тош кўтариш ва кураш турлари бўйича беллашдилар.

Спорт

Мусобақа якунларига кўра Тошкент ислом институтининг бирйўла уч талабаси — Толиб Мамажонов стол тенниси, Аброр Абдуазимов шахмат, Муҳаммадали Абдурашидов тош кўтариш, Муҳаммад ал-Беруний мадрасаси талабаси Рустем Базарбаев эса кураш бўйича биринчиликни қўлга киритди.

Ғолиб бўлган талабалар ва командаларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ТОЛСТОЙ ТЎПЛАГАН АФОРИЗМЛАР

ёхуд ёзувчининг ақл хазинаси ва руҳий сабоғи хусусида

Қўлимда сиёҳранг календарь дафтар. Унда йил йўқ, аммо ойлар бор, лекин кунлар ёзилмаган, саҳифаларига барча кунларга монанд биттадан, жами 365 та ҳикматли сўз битилган. Агар кунлари белгилаб чиқилса, ўша куннинг ҳикмати аён бўлади. Кишига бир йиллик ҳамроҳ ва дастёр вазифасини ўтовчи ушбу кундалик дафтарни очганимизда «Йилнинг ҳар кунига донолар фикри. Лев Толстой тўплаган» деган ёзувни кўрамиз.

«Лев Толстой тўплаган!». Наҳотки дейсиз, XIX аср рус ва жаҳон адабиёти ҳамда тафаккурининг улуғ сиймоси ёзувчилик заҳматларидаида ортиб, афоризмлар йиғиш билан ҳам шуғулланган бўлса?! Шу аснода дабдурустдан ахир, буни кимсан Лев Толстойнинг ўзлари махсус йиғганга ўхшайдилар-ку, бежизга эмасдир бу, деган фикр келади ва... унга ростакамига қизиқиб қоласиз.

Адибнинг китобларини варақлай бошлаймиз. Толстойнинг ўзбекчага ўгирилган китобларида биз излаган нарса учрамади. Асл матндаги кўптомлик асарлар тўпламлари, шунингдек, 22 томлиги (1978 йилдан ёзувчининг 150 йиллигига атаб чиқарила бошлаган)да ҳам йўқ эди. 1928-1958 йилларда чоп этилган 90 томлик асарлар тўпламига эса қўлимиз етган эмас. Ниҳоят Толстой ҳаётининг сўнгги йилида унга котиблик қилган Москва Давлат университети битирувчи талабаси Валентин Булгаковнинг кундалиги қўлимизга тушиб қолгани боис излаган нарсамизни топдик. Кундалик 1960 йили Москвада китоб бўлиб чиққан, Ясная Полянада 1910 йили бўлган воқеаларни холисона баён қилади.

Маълум бўладики, 82 ёшга кирганида ҳам улуғ ёзувчини руҳий-ҳаётий куч тарк этмаган ва у тинимсиз ижодий фаолият юритган. Валентин Булгаковдан Лев Толстойнинг ўша йиллардаги энг севимли машғулоти — ҳаётга қарашларини ифодаловчи фикрлар тўпламини яратиш бўлганлигини билиб оламиз. Бу ишда Толстойга яқиндан ёрдам берган Булгаковга мансуб кундаликнинг 38 жойида бизни қизиқтирган мавзу тилга олинади ва улардан бу борада саволларга жавоб топишимиз мумкин бўлади.

Хуллас, Л. Н. Толстойнинг «Ҳар бир кунга. Ҳаёт ҳақида чуқур маъноли иборалар орқали ифодаланган таълимот» деб номланган диний-фалсафий асари мавжуд бўлиб, у муаллифнинг ижод намуналаридан олинган ёки ушбу нашр учун махсус ёзилган ҳикматлари, шунингдек, турли донишмандларнинг ҳикматли сўзларидан таркиб топган. «Ҳар бир кунга» тўплами устида ёзувчи 1906 йилдан 1910 йилгача ишлайди. 1909 йилда тўплам нашриётда алоҳида китобчалар ҳолида чиқа бошлайди. Газеталар тўпламдан кўчирмалар беришади. 1910 йилда Л. Толстой тўпламни бутунлай қайта кўриб чиқади, қўшимча ва тузатишлар киритади, янги материаллар танлайди, китобчалар корректураси устида мунтазам ишлайди.

Келинг, Валентин Булгаковнинг кундалигидаги баъзи мисоллар билан танишайлик: «1910 йил 28 январь. У (Толстой) «Ҳар бир кунга» тўплами январь ойи сонини халққа тушунарлироқ қилиб қайта ишланган ўн

Жаҳон адабиёти классиклари ижодидан

кунлиги корректурасига киритган тузатишларимни қараб чиқди, «баъзиларини қабул қилди, айримларига қўшилмади», ...гап орасида эса фикр юритишда «ўз устида ишлашга» катта аҳамият беришини айтди, яъни инсон ўз фикрларини кузатиб бориши керак, токи ичиқоралик қилиш, бошқаларга ёмонлик тилаш ва умуман, ярамас ўй-фикрлар номақбул эканлигини ўзи англаб етсин ва ўша заҳоти уларни тўхтатиш ҳамда жиловлашга уринсин.

— Фаолиятнинг ҳақиқий йўналишида бу зўр ёрдам беради, — деди Лев Николаевич. — Мен буни амалий қоида, ақл учун гигиеник кўрсатма тариқасида гапиряпман, чунки буни жуда ҳам муҳим деб ҳисоблайман».

«1910 йил 15 февраль. Лев Николаевич «Ҳар бир кунга» тўплами ва ундаги фикрлардан танланиб яна алоҳида китобчалар чиқарилиши борасида гапирар экан, бу иш унга катта қувонч бағишлашини, қизиқарли эканлигини, фойдали ва зарурлигига энди шубҳаланмаётганлигини айтди».

«1910 йил 21 май. «Нималар ёзмоқдасиз, азизим Лев Николаевич!», — деб сўради М. А. Шмидт.

— Тасаввур қилинг, ҳеч нарса, Мария Александровна! Ва жуда мамнунман, — жавоб берди Лев Николаевич. — Менда ноширлар учун «Ҳар бир кунга» ва «Ҳаёт ҳақида ўйлар» бор. Бу мен қилишим шарт бўлган ишдир, бу ишим одамларга фойдали бўлар деган умид билан ўзимни овутаман».

«1910 йил 3 август. Паскални французча ўқиб, унинг яна бир фикри таржимасини менга ёздирар экан, деди: «Паскаль ўлганига 200 йилдан ошди, аммо у билан руҳан бир бўлиб яшамоқдаман, сирлилик бор-а? Менга яқин бўлган мана бу фикри хаёлимни остин-устун қилди, худди ўзимники-я! Паскаль билан руҳан бирлашиб кетаётганимни сезмоқдаман. Паскаль ҳаёт, у ўлмаган, мана у. Худди Исо алайҳиссаломдек... Биласанми, буни баъзан яққол тасаввур қилиб турасан. Шу фикри орқали у фақат мен билан эмас, уни ўқийдиган минглаб кишилар билан боғланади. Бу — энг чуқур, энг тилсимли ва меҳр қўзғатувчи нарса...»

Юқоридаги кўчирмалар Толстой тафаккур оламидан сизу бизга қарата очилган кичкинагина ёруғ даричадек эди, назаримда. Узоқ ва сермазмун ҳаёти чуқур ғоявий изланиш ва руҳий изтироб пўртаналарига тўла бўлган, черков ақидаларини рад этиб, фақат ягона Худони тан олган, инқилобий ҳаракатларни ёқламасдан ёвузликка куч билан қаршилик кўрсатмасликни олға сурган, ўзидаги икки қутб: «курашчи исёнкор руҳи» билан суст муроса, бўйсуниш таълимотини бир-бирига келиштиролмаган улуғ Толстой ҳар бир инсон ва барча одамлар ҳаётини қандай қилиб бахтли қилиш йўлларини кўрсатиб бериш ҳақида орзу қилади.

Унинг фикрича, бунинг учун фақат бир нарса зарур: у ҳам бўлса шуки, одамлар бир-бирларининг олдида айбдор бўлмасинлар, ҳаётда худбин, адолатсиз тартибни ёқламасинлар, ўзини эмас, балки бошқаларни, барчани севсинлар, ҳистуйғу, майлларини ақл билан маҳв этсинлар. 40 ёшида «Уруш ва тинчлик», 50 ёшида «Анна Каренина», 70 ёшида «Тирилиш» сингари машҳур романларини ёзиб тугаллаган Лев Толстой 80 ёшининг нари-берисида ўзининг, ўзигача ўтган ва замондош улуғларнинг фикрларини инсон ҳаётининг ҳар бир куни учун мўлжаллаган ҳолда жамлаб, «Ҳар бир кунга» — «На каждый день» (90 томлик тўла асарлар тўпламининг 44-томига киритилган) номи билан алоҳида китобчалар ҳолида нашр эттира бошлаган. Уларда ўтадиган ҳар бир кун учун ўнлаб ҳикматлар бор.

Ана энди бизга маълум бўладики, улуғ ёзувчи мақсади шунчаки афоризмлар йиғиш эмас, балки унинг ўз сўзи билан айтганда «халқни ахлоқий қайта тирилтириш» ва шу орқали «инсон табиатида инқилоб» ясаш эди.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ.

«Ҳар бир кунга» асарига кирган иборалардан намуналар

Ўқиш ва ёзишни билмайдиган одам уни бошқаларга ўргата олмайди: худди шунингдек, нима қилишини ўзи билмайдиган одам қандай қилиб бошқаларга йўл кўрсата олсин.

Марк АВРЕЛИЙ.

* * *

Тийилган тил яхши тилдир, обдон ўйланган сўз яхши сўздир. Айтар сўзинг сукутдан афзал бўлса гапир.

Араб ҳикмати.

* * *

Ўзи билан софлик ва баркамоллик хислатларини олиб келувчи болалар доимий туғилиб турмаганида эди, бу дунё ниҳоятда ваҳшатли бўларди.

Жон РЕСКИН.

* * *

Ишингиз натижасига бошқалар баҳо беради: сиз эса қалбингиз фақат соф ва ҳаққоний бўлишига интилинг.

Жон РЕСКИН.

* * *

Икки нарса абадий янгиланиб борувчи ва доимий ҳайрат ҳамда хайрихоҳлик билан қалбни тўлдириб борар экан, улар фикримни шунчалар мунтазам ва кўпроқ ўзига жалб этаверади: тепамдаги юлдузли осмон ва ичимдаги ахлоқ қонунияти.

КАНТ.

* * *

Ҳар қандай меҳнат муҳимдир, чунки у инсоннинг фазилатларини оширади. Ўғилни бирорта ҳунарга ўргатмаслик уни ўғриликка тайёрлаш билан баравардир.

ТАЛМУД.

* * *

Халқларни денгизлар эмас, нодонлик, тиллар ҳар хиллиги эмас, балки душманлик муносабатлари ажратади.

Жон РЕСКИН.

* * *

Ёлғон кучайган замонлардан бери ҳуқуқ бузилган, ҳулқ-атвор тубанлашган.

ТАЛМУД.

* * *

Ҳузур-ҳаловатга кўникма — у ўтади, ким эга бўлса — йўқотишни, ким бахтиёр бўлса — изтироб чекишни ўргансин.

ШИЛЛЕР.

* * *

Донишманд айтган сўзи учун маърифатли деб тан олинади ва ногаҳоний сўзлаган бир сўзи учун ҳеч нарсани билмайдиганга чиқарилади. Шунинг учун у ўз сўзларида эҳтиётқор бўлиши лозим.

Хитой ҳикмати.

* * *

Кимки мен Худони севаман, деб айтсаю, лекин у ўз биродарини ёмон кўрса, у ёлғончидир: зеро, ўзига кўриниб турган акаси ё укасини яхши кўрмаган одам қандай қилиб кўринмаётган Худони сева олади?

Иоанн мактуби IV, 20.

* * *

Тушунтирмоқ вақтни беҳуда сарфламоқдир. Фаросатли одам салгина ишорадан тушунади, ҳар нарсани нотўғри англайдиган одам эса бутун бир нутқдан ҳам ҳеч нарсани тушунмайди.

Жон РЕСКИН.

* * *

Инсон осмон юборган кулфатлардан қутулиши мумкин, аммо ўзи сабабчи бўладиган мусибатлардан халос бўлолмайди.

Шарқ мақоли.

* * *

Шундай яшагинки, гўёки ҳозир ҳаёт билан видолашмоқчисан, сенга қолдирилган вақт эса бамисли қутилмаган ҳадя бўлсин.

Марк АВРЕЛИЙ.

* * *

Бир марта гуноҳ қилган одам, айб ишни қилса ҳам бўлаверади, деган фикрда бўлади.

ТАЛМУД.

* * *

Яхши иш доимо тиришқоқлик билан амалга оширилади, қачонки тиришқоқлик кўп маротаба қайтарилса, бу одатга айланади.

Лев ТОЛСТОЙ.

* * *

Инсон учун ўзини ҳақиқат фош қилишидан қўрқиб, ундан қоча бошлаганидан ортиқ мусибат йўқдир.

Влас ПАСКАЛЬ.

* * *

Доимо эсда тутингки, кимўзарликдан гўзаллик, такаббурликдан олижаноблик чиқмайди.

Жон РЕСКИН.

* * *

Қандай қилса душмандан ўч олиш мумкин? Иложи борича унга кўпроқ яхшилик қилиш билан.

ЭПИКТЕТ.

* * *

Қувноқликни сақлаб қолишнинг асосий сири беҳуда нарсаларга безовта бўлавермаслик ҳамда турмушдаги айрим жузъий хурсандчиликларни ҳам баҳолай билишда.

САЙЛЬС.

* * *

Доно ҳамма нарсани фақат ўзидан талаб қилса, майда, ҳақир одам бошқалардан талаб қилади.

Хитой ҳикмати.

* * *

Таажжуб! Инсон бошқалардан келган ва ўзи тузата олмайдиган ёмонликдан ғазабланади, аммо ўз измида бўлган ёмонлигини енга олмайди.

Жон РЕСКИН.

* * *

Инсонни фақат унга тенг ёки ундан юқори бўлганлар баҳолай олиши мумкин. Лекин барибир инсонга хослик ва асллик фақат Яратганга аён.

* * *

Агар сен одамларнинг ўй-фикр ва интилишлари қайси чашмалардан сув ичганини билганингда эди, унда сен одамларнинг қўллаб-қувватлаши ва мақтовларига қўярда-қўймай эришишга ҳаракат қилмаган бўлардинг.

Марк АВРЕЛИЙ.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ва «Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ў. Жўраевга фарзанди **Жасур ЖЎРАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH Тикланиш

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4

Босишга топширилди — 21.30